

## ШАРТНОМА № 2/М-2022

Тошкент шаҳри

2022 йил "08" январь

"Ўзбекистон стандартлар институти" (кейинги ўринларда "Ижрочи" деб юритилади) унинг номидан Устав асосида ҳаракат қилувчи директори **в.б. А.Х. Ҳамдамов** бир томондан ва "O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI FANLAR AKADEMIYASI GENETIKA VA O'SIMLIKLAR EKSPERIMENTAL BIOLOGIYASI INSTITUTI" (кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади) номидан \_\_\_\_\_ асосида ҳаракат қилувчи А.А. Керимов иккинчи томондан, қуйидагилар тўғрисида мазкур шартномани туздилар:

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Мазкур шартномага мувофиқ "Ижрочи" "Буюртмачи"нинг топшириғи билан ашёвий шаклга эга бўлмаган қуйидаги: **Синов лаборатория хужжатларини аккредитациядан ўтиш учун O'zDSt ISO/IEC 17025:2019 стандартига мувофиқ ишлаб чиқиш**: хизматларини кўрсатиш, "Буюртмачи"эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

1.2. Кўрсатилган хизматларга нисбатан қўйилган иктисодий, техник, ташкилий ва бошқа талаблар: ижрочи буюртмачи тамонидан барча керакли маълумотларни тақдим этганидан сўнг 20 иш кунидан кўп бўлмаган муддатда ишни топширади.

### 2. ХИЗМАТ ҲАҚИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Кўрсатилган хизматлар учун "Буюртмачи" шартноманинг умумий қиймати қуйидагича ташкил топган: **31 820 000 (Ўттиз бир миллион саккиз юз йигирма минг) сўм, ҚҚС сиз**; шу жумладан, шартномани имзолаган ва Ўзбекистон Республикаси Ғазначилик бошқармасида рўйхатдан ўтган кундан бошлаб 10 банк куни давомида хизматлар нархининг 30 % олдиндан тўлашни "Ижрочи" нинг ҳисоб-китоб ҳисоб варағига ўтказиш орқали амалга оширади.

Яқуний тўлов (Кўрсатилган хизматлар қиймати 70 %) "Буюртмачи" томонидан хизмат кўрсатиш давомида, ҳисоб-фактура ва бажарилган иш акти (ҳисоб-фактура ва бажарилган иш акти [www.soliqservis.uz](http://www.soliqservis.uz) ва [www.didox.uz](http://www.didox.uz) сайтларга жўнатилади ва қабул қилинади) расмийлаштирилгандан сўнг амалга оширилади.

2.2. "Ижрочи"нинг ўзи айбдор бўлмагани ҳолда хизматни кўрсата олмаган тақдирда, "Буюртмачи" "Ижрочи"га унинг харажатларини тўлаши шарт, бунда "Ижрочи"нинг хизматлар кўрсатишдан озод қилиниши муносабати билан олган ёки олиши мумкин бўлган фойдаси чегириб қолинади.

2.3. "Буюртмачи"нинг айби билан хизмат кўрсатиш мумкин бўлмай қолган тақдирда, хизматлар баҳоси бутунлай тўланиши керак.

### 3. ХИЗМАТЛАРНИ ТОПШИРИШ-ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. "Ижрочи" ушбу шартноманинг 1.1-бандида назарда тутилган хизматларни шахсан ўзи кўрсатиши шарт.

3.2. Хизматлар кўрсатилгандан сўнг "Ижрочи" "Буюртмачи"га кўрсатилган хизматларни топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этади ва унга ҳисобот хужжатларини илова қилади.

3.3. Хизмат натижаларидан қониқмаган "Буюртмачи"далолатномани олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида "Ижрочи"га хизматларни қабул қилишдан бош тортиши мумкин.

3.4. "Буюртмачи"нинг радномаси асосли деб топилган тақдирда, тарафлар икки томонлама далолатнома туздилар ва унда қўшимча кўрсатилиши лозим бўлган хизматлар рўйхати ва уларни бажариш ёки бажаришни тўхтатиш муддатларини кўрсатадилар.

3.5. Хизматларни кўрсатиш жараёнида уларни давом эттириш имконияти йўқлиги ёки мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланган тақдирда, "Буюртмачи" бу ҳақда "Ижрочи"ни хабардор қилиши ва у билан бирга зарурий чораларни кўриши шарт.

### 4. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ, НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ

4.1. "Ижрочи" ушбу шартнома шартларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаган тақдирда, у келтирган зарарни "Буюртмачи"га тўлиғича тўлаши шарт, лекин бу тўлов ушбу шартномада назарда тутилган хизматлар баҳосининг икки бараваридан ортиқ бўлиши мумкин эмас.

4.2. Тарафлар ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармаганликлари учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари ҳамда мазкур шартномага мувофиқ жавобгар бўладилар.

4.3. Низоларни музокаралар олиб бориш йўли билан хал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, тарафлар низоларни судгача хал қилишнинг Ўзбекистон Республикаси қонунида белгиланган тартибига риоя қилган ҳолда, Талабнома юборгандан сўнг бир ой ўтгач, низони хал қилиш учун Тошкент шаҳар Туманлараро судига топширадилар

### 5. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚОИДАЛАР

5.1 Ушбу шартноманинг тарафлари Ўзбекистон Республикасининг "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонуни бузилган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

### 6. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ЁКИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРТИБИ

6.1. Ушбу шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма равишда расмийлаштирилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

6.2. Шартномани муддатидан олдин бекор қилишга тарафларнинг келишувига мувофиқ ёки Ўзбекистон Республикасини амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган асосларга қўра, етказилган зарар қопланган ҳолда йўл қўйилади.

6.3. "Буюртмачи" хизматларнинг белгиланган баҳосини тўлиқ тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома "Ижрочи"нинг айбли ҳаракатлари туфайли бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.4. "Ижрочи" ушбу шартнома бекор қилиниши туфайли "Буюртмачи"га етказилган зарарнинг ҳаммасини тўлаш шarti билан ушбу шартномани бекор қилишни талаб қилишга ҳақли, шартнома "Буюртмачи"нинг айби билан бекор қилинган ҳоллар бундан мустасно.

6.5. Шартномани бекор қилиш ҳақида қарорга келган тараф иккинчи тарафга 10 кун олдин ёзма билдиришнома юбориши шарт.

### 7. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

7.1. Шартнома томонларнинг имзо қўйигандан сўнг қучга қиради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

7.2. Шартнома 2 нусхада тузилган бўлиб, иккаласи ҳам бир хил юридик қучга эга.

7.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган масалалар амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тартибга солинади.

### 8. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚИЙ МАНЗИЛЛАРИ:

#### ИЖРОЧИ:

«ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАР  
ИНСТИТУТИ»

100059, Тошкент ш. Чўпон ота кўчаси 9 В  
т. 253-85-67

Молия вазирлиги Ғазначилиги

р/с: 23402000300100001010

л/с: 400110860262877049400155001

ХККМ Марказий банк Бош

Бошқармаси Тошкент шаҳар

МФО: 00014, ИНН: 201122919

ОКЭД: 84112, ИНН: 306281034

Директор в.б.  
М.Ў.

А.Х. Хамдамов

Бош юрисконсулт

Бош ҳисобчи

Бўлим бошлиғи

#### БУЮРТМАЧИ:

«O`zbekiston Respublikasi Fanlar Akademiyasi  
Genetika va O`simliklar Eksperimental Biologiyasi  
Institutini»

**УЗРФА ГЕНЕТИКА ВА УЭБ ИНСТИТУТИ**  
Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Юқори юз маҳаласи  
Ш/хс: 400110860272487015100043001  
ИНН: 200 607 044 (институт)  
Р/с: 23 402 000 300 100 001 010  
ИНН: 201 122 919 МФО: 00 014  
ХККМ МБ Тошкент шаҳар ББ  
ОКЭД: 72 110 КТУТ: 14854438  
ОКЭД: 95110 СОАТО: 1727248565

Директор  
М.Ў.

Ҳисобчи  
Усманов С.